



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 15 сентябрь, № 192 (7422)

Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЖАҲОН ҲУНАРМАНДЛАРИ, БУТУН ДУНЁ УСТАЛАРИНИНГ КАТТА БАЙРАМИ

Биринчи Халқаро ҳунармандчилик фестивалининг тантанали очилиш маросимидан репортаж.



ЮНЕСКО раҳнамолигида илк бор ўтказилаётган ушбу фестиваль номоддий маданий меросимиз бўлган кўп қиррали миллий ҳунармандчилигимизни кенг намойиш қилиш, унинг ноёб намуналарини тарғиб этиш, шунингдек, мазкур йўналишда ўзаро тажриба алмашиш орқали турли халқлар ўртасида дўстлик ҳамда ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, маданий-гуманитар алоқаларни халқаро миқёсда кучайтириш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган касбий анъаналар ва ҳунармандчилик мактабларини сақлаш ҳамда қайта тиклаш мақсадида ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ҚЎҚОН ВА МАРҒИЛОН ЯНАДА ОБОД БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 сентябрь куни Фарғона вилоятидаги «Қўқон» эркин иқтисодий зонасига ташриф буюрди.

Бу ерда, дастлаб, Қўқон ва Марғилон шаҳарларини комплекс ривожлантиришга ҳажб этиш бўйича янги лойиҳалар тақдироти ўтказилди. Жумладан, келгуси уч йилда бу икки шаҳарга халқаро молия институтларининг 1 миллиард 354 миллион долларлик имтиёзли кредитлари йўналтирилиши режалаштирилган. Бу маблағ учта йўналишда — саноат ва тадбиркорликни ривожлантириш, инфратузилма объектларини модернизация қилиш ҳамда кўп қаватли уй-жойлар куриш соҳаларида ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

Қўқон шаҳрида саноат ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 510 миллион доллар миқдорда маблағлар жалб этилиши режалаштирилган. Шунингдек, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш учун 63 миллион, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги лойиҳаларга 31 миллион доллар маблағ йўналтирилади. Шаҳарда тадбиркорларга молиявий кўмаклашиш дастури доирасида халқаро молия муассасаларининг 500 миллион долларлик инвестициялари ўзлаштирилади.

Шаҳарда инфратузилма объектларини ривожлантиришга 124 миллион доллар маблағ йўналтирилиши мўлжалланмоқда. Ушбу маблағлар ҳисобидан ичимлик ва оқова сув тармоқлари, иссиқлик тизими, автомобиль йўлларини модернизация қилиш, шунингдек, электр ва газ тармоқларини янгилаш бўйича жами 90 та лойиҳа амалга оширилади.

Уй-жой фондини ривожлантириш учун 220 миллион доллар миқдорда инвестициялар жалб этилиб, 9 қаватли 17 та, 12 қаватли 36 та, 16 қаватли 65 та уй-жой барпо этилади. Марғилон шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторини молиявий кўлаб-қувватлаш учун 300 миллион доллар маблағ йўналтирилади. Саноат, қишлоқ ҳўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларига бериладиган маблағлар шаҳарда янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини янада яхшилаш имконини яратди.

Марғилонда инфратузилма ривожлантириш учун 87,6 миллион доллар, уй-жойлар қурилишга 110 миллион доллар маблағ сарфланади. Яқин йилларда ушбу шаҳарда 9 қаватли 12 та, 12 қаватли 54 та, 16 қаватли 16 та тураржой барпо этилиб, аҳолининг эҳтиёжи тўлиқ таъминланади. Шу тариқа иккала шаҳарларда қад ростилади.

Давлатимиз раҳбари уй-жойлар қурилишига оид лойиҳалар билан танишар экан, уларни қайта кўриб чиқиб, Қўқон ва Марғилон шаҳарларини ривожлантириш бўйича беш йиллик режа қилиш зарурлигини таъкидлади.

— Аввало, қаерда қийинчилик борлигини, одамларнинг фикрини ўрганиш керак, — деди Президент. — Аҳоли қачон қайси ҳудудда қурилиш бўлишини билсин. Уй-жой билан иш ўринлари мутаносиб бўлиши зарур. Фарғоналикларнинг ҳунармандчилик анъаналари, ҳудуд имкониятларини инобатга олиб, чарм-пойабзал, чинни, заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш ва бошқа турдаги корхоналар ташкил этиш зарур.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРИНЧИ ХАЛҚАРО ҲУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли фестиваль иштирокчилари! Мухтарам меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар!

Авалло, сизларни сўлим ва мафтункор Фарғона водийсида, қадимий ва гўзал Қўқон шаҳрида кулладан бағоят мамнунман. Барчангизни ЮНЕСКО раҳнамолигида ўтказилаётган биринчи Халқаро ҳунармандчилик фестивалининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Жаҳон ҳунармандлар кенгаши президенти, ҳурматли Роза Гринлис хонимга анжуманимизда шахсан иштирок этаётгани учун самимий миннатдорлик билдиришга руҳсат этаёйсиз.

Фестивалимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси маданият вазири Владимир Мединскийни, Қозоғистон Республикаси маданият ва спорт вазири Ақтўти Раимқуловани, Туркменистон маданият вазири Атағелди Шамуродовни, Тожикистон Республикаси маданият вазири Шамсиддин Ҳумроқовни, Озарбайжон Республикаси маданият вазири Абдулфас Гараевни, Қирғизистон Республикаси маданият, ахборот ва туризм вазири Азамат Жаманқуловни, Беларусь Республикаси маданият вазири Наталья Карчевскаяни, Арманистон Республикаси таълим, фан, маданият ва спорт вазирининг ўринбосари Нарина Хачатуряни чин дилдан кутлаймиз.

Бундан ташқари, Хитой санъат ва ҳунармандчилик уюшмаси президенти Ху Нианшанга, Ҳиндистоннинг Харяна штати туризм вазири ўринбосари Вижай Вардханга, Малайзия халқ амалий санъатини ривожлантириш корпорацияси бош директори Энчик Ибрагим бин Исмоилга, шунингдек, ЮНЕСКОнинг юқори мартабали вакиллари ҳамда Жаҳон ҳунармандлар кенгашининг Осиё — Тинч океани, Америка ва Африка минтақалари бўйича раҳбарларига самимий миннатдорлик билдирамиз.

Давраимизда хоржий давлатларнинг Ўзбекистондаги муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотлар вакиллари кўриб турганимиздан хурсандман.

Фестивалимизда дунёнинг 78 та давлатидан 370 дан зиёд моҳир ҳунарманд, танкиди маданият арбоблари, санъатшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этмоқда.

Барчангизни чин юракдан кутлаб, Ўзбекистонга, ушбу анжуманга бўлган катта ҳурмат ва эътиборингиз учун ташаккур изҳор этаман.

Ҳурматли фестиваль иштирокчилари! Маълумки, умумбашарий маданиятнинг ажралмас қисми бўлган халқ амалий санъати дунёдаги ҳар бир халқ ҳаётида, унинг турмуш тарзи ва қадриятлари ривожига алоҳида ўрин тутди.

Инсониятнинг онгли ҳаётида ҳунармандчиликнинг пайдо бўлиши — бу цивилизация сари ташланган энг муҳим тарихий қадам, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Башарият фаҳри бўлган буюк шаҳарлар, меъморий обидалар, тарихий ва археологик ёдгорликлар, минглаб музейлардаги нодир экспонатлар бу фикрни яққол тасдиқлайди. Ҳаммамизга аёнки, халқ амалий санъати — бу аввало, табиат билан уйғун бўлиб, табиатдан завқ ва илҳом олиб, бетақор ижод намунасини яратишдир.

Ўзингиз тасаввур қилинг, оддий қора туپроқдан, бир бўлак темир ёки ёғоч парчасидан ноёб ва гўзал буюмлар яратиш, таъбир жоиз бўлса, уларга “жону тил” бағишлаш учун ҳунармандга нафақат машаққатли кўл меҳнати, балки қалб ҳарорати керак. Нозик дид ва маҳорат, сабр-тоқат, энг муҳими, ўз касбига чеқсиз меҳр ва садоқат, фидойилик керак.

Шу билан бирга, чинакам ҳунар соҳибини — у қулло бўладики, қандакор ёки тўқувчи бўладики, нарқош ёки заргар бўладики — ўз ишни аъло даражада бажариш учун жуда кўп илмлардан, аввало, кимё, биология, тиббиёт, физика, геометрия, астрономия, тарих, фалсафа каби фанлардан хабардор бўлиши, уларни амалда қўллай билиши зарур.

Шу борада биргина мисол келтирмакчиман. Бутун дунёга машҳур бўлган миллий каштачилик санъатимиз, қадимий сузаналаримиздаги сирли, мўъжизали, илоҳий нақшлар, ранглар жилоси замирида фалакийёт илми, космогоник тасаввурлар мўжассам экани ҳар қандай одамни ҳам ҳайратга солади.

Халқимиз азалдан ўз касбининг чинакам фидойисини бўлган моҳир ҳунармандларни “уста” ва “устазода” деган номлар билан улуғлаб, эъзозлаб келади. Шу ўринда буюк мутафаккир Баҳоуддин Нақшбанд бобоимизнинг “Ҳунар шундай тупроқки, унга минган киши албатта ҳурмат-эътибор топгай ва саодат манзилига етгай”, деган ҳикматли сўзларини эслаб ўтишни жоиз, деб биламан.

Келгуси йили таваллудининг 700 йиллиги нишонланадиган бу табаррук зот нафақат азиз-авлиё, аввало, ўзлари ҳам етук ҳунарманд, аҳли ҳунарнинг пири бўлганлар. Бу улуг сиймонинг “Дилинг — Оллоҳда, қўлинг — меҳнатда бўлсин” деган эзгу даъватига амал қилиб, юртимиздаги минг-минг ҳунармандлар ўзларининг машаққатли, ҳалол меҳнати, инсоний фазилатлари билан халқимизга, ёшларимизга ибрат ва намуна бўлиб келмоқдалар.

Айни вақтда бугунги глобаллашув ва юксак технологиялар асрида халқ амалий санъатига шунчаки ўтмиш ёдгорлиги сифатида беписанд қараш ҳолатлари ҳам, афсуски, учраб турибди. Агар бу нодир санъатни давлат ва жамият томонидан кенг қўллаб-қувватламас эканмиз, эртага кеч бўлади — ҳунармандлик соҳаси бугунги даврнинг кескин рақобатига бардош беролмайди.

Шу маънода, жаҳон халқ амалий санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, бу бебаҳо бойлиқни келгуси авлодларга беэвола етказиш, бу йўлдаги саъй-ҳаракат ва

имкониятларимизни бирлаштиришда мана шундай халқаро анжуманларнинг ўрни ва аҳамияти беқийосдир. Ўзбекистонда ҳунармандлар меҳнатини қадрлаш, уларнинг самарали фаолият юритишлари учун тегишли ҳуқуқий асос, имконият ва имтиёзлар яратиб берилмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган, ўз сафларида минглаб усталарни бирлаштирган “Ҳунарманд” уюшмаси фаолият кўрсатмоқда.

Бухоролик машҳур зардўз Муяссар Темирова, самарқандлик таъмирчи уста Мирумар Асадов, фарғоналик ёғоч ўймаkori Абдуғани Абдуллаев каби юртдошларимиз мамлакатимизнинг энг олий мукофоти — Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлгани ушбу соҳа вакиллари билан бирга, халқ амалий санъати сирларини ҳам пухта эгаллаши учун кенг имкониятлар яратиб бермоқдамиз. Республикаимиз пойтахти ва жойларда ушбу йўналишда ўнлаб фестиваль ва ярмаркалар, савдо кўرғазмалари, кўриктанловлар ўтказилмоқда, ёшлар учун ҳунармандчилик мактаблари ташкил этилмоқда. Энг муҳими, бу соҳа вакиллари мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш, ёшларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш, туризмни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Биз фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг замонавий билимлар билан бирга, халқ амалий санъати сирларини ҳам пухта эгаллаши учун кенг имкониятлар яратиб бермоқдамиз. Республикаимиз пойтахти ва жойларда ушбу йўналишда ўнлаб фестиваль ва ярмаркалар, савдо кўрғазмалари, кўриктанловлар ўтказилмоқда, ёшлар учун ҳунармандчилик мактаблари ташкил этилмоқда. Энг муҳими, бу соҳа вакиллари мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш, ёшларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш, туризмни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Биз тарихимиз, миллий ўзлигимиз тимсоли бўлган, қадимий ва бой анъаналарга эга ҳунармандчилик соҳасини ривожлантиришга янада катта эътибор берамиз. Бу борада мазкур халқаро фестивал давомида ўртага ташланадиган амалий фикр-мулоҳазалар, тақлиф ва тасвирлар, ҳеч шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этади.

Қўқон Фарғона замини жаҳон илм-фани ва маданиятига Аҳмад Фарғоний, Бурхонуддин Марғиноний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Амирий ва Нодирабегим, Жаҳон отин Увайсий, Мавлоно Муқимий, Зокиржон Фурқат каби ўнлаб мутафаккир зотларни, улуг шоир ва адибларни, Қодиржон Ҳайдаров сингари машҳур ҳунар усталарини етказиб бергани билан ҳар қанча фахрланасак арзийди.

Биргина мана шу Фарғона вилоятининг ўзида миллий ҳунармандчиликнинг қандай машҳур брендлари бор. Бу ҳақда гапирганда, Марғилоннинг аҳамиятдек товланадиган

машҳур атлас ва адрасларини, Риштоннинг бетакрор қуллочилик санъатини, Қўқоннинг ёғоч ўймакорлиги ва нарқошлик мактабларини, ўйламанки, ортиқча таърифлаб ўтиришнинг ҳожаги йўқ.

Бугунги кунда бутун юртимиз, бутун Фарғона вилояти каби Қўқон шаҳри, унинг қиёфаси ҳам тубдан ўзгариб, ҳар томонлама обод бўлиб, мамлакатимизнинг ийрик иқтисодий ва маданий марказларидан бирига айланмоқда.

Хабарингиз бор, ушбу фестиваль арафасида шаҳар ҳаётида яна бир муҳим воқеа юз берди. Жаҳон ҳунармандлар кенгаши томонидан Қўқон шаҳрига “Жаҳон ҳунармандлари шаҳри” деган юксак унвон берилди. Яъни Қўқон шаҳри дунё ҳунармандчилик харитасида ҳам муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Қўқон шаҳри Мустақил Давлатлар Ҳамдўстигида биринчи бўлиб ушбу рўйхатга киритилганини биз мамлакатимизда халқ амалий санъатини ривожлантиришга қаратилган ишларимизга халқаро миқёсда берилган катта баҳо, деб қабул қиламиз.

Кўни кеча Жаҳон ҳунармандлар кенгашининг Осиё — Тинч океани минтақаси президенти Гада Ҳижобий Каддумий хоним Қўқон шаҳрига ана шу гувоҳномадан тантанали равишда топширди.

Мана шу қувончли айёмда муҳтарам Қўқон аҳлини, бутун Ўзбекистон ҳунармандларини ана шундай юксак эътироф билан чин дилдан табриқлайман.

Бундай улкан эътибор учун Жаҳон ҳунармандлар кенгаши ва унинг президенти, ҳурматли Роза Гринлис хонимга ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Мухтарам юртдошлар! Азиз меҳмонлар! Ушбу халқаро фестивал нафақат кўп миллилатли Ўзбекистон халқи, балки жаҳон ҳунармандлари, бутун дунё усталарининг катта байрами, десак, тўғри бўлади.

Бу — олис тарих ва бугунги замон нафасини, турли қадрият ва анъаналарни ўзида аққол намоеён этадиган, муштарак дилларни бирлаштирадиган чинакам дўстлик ва ҳамкорлик анжуманидир.

Аминманки, дунёда тинчлик ва ҳамжиҳатликни, гўзаллик ва нафосатни тарғиб этадиган бу фестивал жаҳон майдонида албатта ўзининг муносиб ўрнини топади.

Барчангизни меҳмондўст ва соҳаватли Ўзбекистон заминидан яна бир бор чин юракдан кутлайман.

Ушбу анжуманни юксак савияда ўтказиш учун сидқидилдан хизмат қилган барча юртдошларимизга, меҳнаткаш, оққўнги, баррикенг Фарғона элига, Қўқон аҳлига самимий ташаккур билдираман.

Фестивалнинг барча қатнашчиларига, муҳтарам меҳмонларимизга сихат-саломатлик, янги ижодий ютуқлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ҚЎҚОН ВА МАРФИЛОН ЯНАДА ОБОД БЎЛАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Корхонада келаси йилдан юк ташувчи қаралар, 2021 йилдан Ўзбекистонда биринчи марта электромобиллар ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Хитойнинг «Silk road company» компанияси билан ҳамкорликда барпо этиладиган мазкур янги қувват учун ҳозирги кунда 3 гектар майдон ажратилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 30 миллион АҚШ доллари бўлиб, унинг 24 миллион доллари хорижий инвестициядир.

Хисоб-китобларга кўра, юртимизда ишлаб чиқариладиган экологик тоза электромобиллар нархи 3 минг доллар атрофида бўлади. Улар нефть маҳсулотлари чекланган шaroитда мўҳим аҳамият касб этади. Электромобиллар бир марта қувватлантирилгандан сўнг 150 километр масофани босиб ўта олади.

Мазкур лойиҳа ишга тушади, йилга 2 минг дона электромобил ишлаб чиқарилади. Бу ички бозорни транспортнинг ушбу янги тури билан таъминлаш баробарида экспорт қилиш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари шу ерда «Қўқон» эркин иқтисодий зона-

сида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни кўздан кечирди, фарғоналик тадбиркорлар билан суҳбатлашди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа субъектларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш бўйича мулақо янги тизим яратилмоқда. Президентимизнинг соҳага доир қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинди, кейинги уч ой ичида Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулҳоналари, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилиб, тадбиркорларга гов бўлаётган қўллаб-қувватлаш тўсиқлар бартараф этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари худудларга ташрифи чоғида тадбиркорлар билан мунтазам учрашиб, уларнинг муаммоларини тингламоқда, фаолиятига тўсиқ бўлаётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чоралар кўрмоқда.

Бу галги учрашувда ҳам Президентимиз тадбиркорлардан ўзларини қийнаётган муаммоларни рўйроқ, очик-ойдин баён этишларини сўради. Жамиятимизда бизнес муҳитини яратиш, тадбиркорларнинг «қўлини ечиш», уларнинг ташаб-

бусларини қўллаб-қувватлаш юзасидан ўз фикрларини билдирди.

— Мен кимни уздабурон тадбиркор деб биламан? Ҳисобида камида 20 миллион доллар пули бўлган ишбилармонни. Бир пайтлар 2-3 миллион доллар маблағи бўлган тадбиркорни топши амримахол эди, ҳозир 20 — 30 миллион доллар пули бўлган, йирик-йирик корхоналар кураётган, иқтисодиётимизни кўтараятган юртдошларимиз кўпайди. Биз соҳани ривожлантириш бўйича дастлабки қадамларни кўйдик. Энди жамиятимизда бизнес муҳити ярата оласак, одамларни тадбиркорликка ўргата оласак, қўзғалган натижаларимизга эришамиз. Сизлар юртимизга келажакда ҳам нафингиз тегиши учун фарзандларингизга билимингизни мулк қилиб қолдиришингиз лозим. Шунда жамият ўзгаради, тадбиркорлик қонида бор авлод кириб келади, улар давлатимизни ҳам, халқимизни ҳам бой қилади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Учрашувда фарғоналик тадбиркорлар давлатимиз раҳбари билан самимий мулоқотдан руҳланганини, эркин ишлаши ва мулкдор бўлиши учун яратилган имкониятлардан фойдаланиб,

янада самарали лойиҳаларни амалга оширишга бел боғлашларини билдирди.

Давлатимиз раҳбари Қўқон шаҳридаги Буюк алломалар музейида тадбиркорлик фаолияти фаолиятга оид маълумотлар, улар яратган ноёб қўлёзмалар нусхалари ўрин олган. Музейнинг иккинчи бўлимида Темирўйлар даврида яратилган илм-фан ва маданиятга доир осориатқалар, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Саъиддин Тафтазоий, Ғиёсиддин Жамшид, Али Қўшчи, Мирхонд каби алломаларга оид тарихий асарлар намойишга қўйилган. Шунингдек, музей экспозицияларидан XVIII-XIX асрларда Фарғона водийсидан етишиб чиққан Машраб, Хувайдо, Садоий, Низомий Хўқандий, Азимий, Увайсий, Амирий, Нодира, Ҳакимхон Тўра, Гулҳанӣ, Фазлий, Мухӣ, Мухимий, Фурқат, Завқий, Махмуд Ҳаким Яйфонӣ, Ҳазиний каби улуг сиймолар ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот олиш мумкин.

Яна бир бўлимда эса Туркистонда жадидчилик ҳаракати ва унинг машхур намояндалари Махмудхўжа Беҳбудӣ, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлонӣ, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Шурали Зоҳирӣ, Иброҳим Даврон, Исоҳқон Ибраҳим та-

ва фаолияти кенг ёритилган. Қўқон ҳаттолик санъати, миллий ҳунармандчилик ҳамда зиёратгоҳларга доир маълумотлар ва экспонатлар ҳам қўйилган.

Музейнинг бешинчи бўлимида XX асрда Фарғона водийсидан етишиб чиққан улуг олимлар, академиклар — Қори Ниёзий, Теша Зоҳидов, Раҳима Аминова, Пулат Қаюмовлар ва бошқаларнинг ҳаёти ва илмий ижодий фаолиятини акс эттирувчи материаллар ва экспонатлар ўрин олган.

Музейи қошида «Аллоамалар ворислари» номили ўқув-ахборот маркази ташкил этилган. Ушбу марказ илмга ва ижодий фаолиятга қизиқувчи ёшлар учун маҳорат мактаби вазифини ўтамоқда.

Мулоқотда мамлакатимизда миллий кадриятларни эъзозлаш ва тарғиб этиш, буюк алломалар меросини ўрганишга катта эътибор қаратилаётгани қайд этилди. Бахшичилик ва маком санъати бўйича халқаро фестиваллар ўтказилгани бу борада улкан аҳамиятга эга бўлди. Имом Бухорий, Имом Термизий марказлари, Мирзо Улуғбек ва Мухаммад Ҳоразмий номидagi иқтидорли болалар мактаблари, актиблар номлари билан аталган

иждо мактаблари ташкил этилди. Президент мактаблари, янги олий ўқув юртлири ёш авлод учун янада кенг имкониятлар яратди.

— Вақт шиддат билан ўтаяпти. Ҳар бир соҳа бўйича изланишда, тинимсиз ҳаракатдамыз. Ўзгаришлар бор, лекин ҳали бизни қаноатлантирмайди, — деди Президент.

Фаоллар бутун Фарғона вилоятида бўлгани каби Қўқон шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётгани, Халқаро ҳунармандчилик фестивали туғайли шаҳар янада обод бўлиб, бу ерга бутун дунёдан меҳмонлар келганини мамнуният билан қайд этишди.

Давлатимиз раҳбари Қўқон шаҳридаги Буюк алломалар музейи ёнида байрамона кайфиятда кетаётган юртдошларимиз билан учрашди. Самимий суҳбатда қўқонликлар Президент Шавкат Мирзиёевга шаҳарда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ва рўй бераётган янгиланишлар учун миннатдорлик билдирди.

Матназор ЭЛМУРЗОЕВ, Зиядулла ЖУНИБЕКОВ, Ўза махсус мухбирлари.

ЖАҲОН ҲУНАРМАНДЛАРИ, БУТУН ДУНЁ УСТАЛАРИНИНГ КАТТА БАЙРАМИ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бунда Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрдаги «Халқаро ҳунармандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлди.

Фестивалда дунёнинг 78 та давлатидан 370 дан зиёд мохир ҳунарманд, таниқли маданият арбоблари, санъатшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этмоқда.

Шундай нуфузли санъат байрами мезонлиги учун Қўқон шаҳри танлангани ҳам бежиз эмас. Чунки Фарғона вилояти, хусусан, Қўқон қадим-қадимдан ҳунармандчилик ривожланган маданий марказлардан биридир. Бу ерда ҳунармандчилик ва халқ амалий санъатининг турли йўналишлари юксак даражада раванқ топган. «Устоз — шогирд» анъаналари, ҳунармандларнинг оливаий сулоалари унинг сир-асрорларини аждодлардан-авлодларга етказиб келмоқда. Бугунги кунда ҳам Қўқонда ҳунармандчилик изчил ривожланиб боради. Бинобарин, фестиваль арафасида Жаҳон ҳунармандлар кенгаши қарорига кўра, Қўқон шаҳрига «Жаҳон ҳунармандлари шаҳри» деган юксак унвон берилгани ўзига хос қувончли воқеа бўлди. Шу кунгача дунёнинг 36 шаҳри шундай юксак эътирофга лойиқ қўрилган. Қўқон МДХ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб мазкур рўйхатга киритилди. Шаҳарга ана шу гувоҳнома тантанали равишда топширилди.

Таъкидлаш жоизки, Халқаро ҳунармандчилик фестивалига катта тайёргарлик қўрилди. Жумладан, 12 та қадимий обида таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилди. Кўчалар ва истироҳат болрида кенг қўламли кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди. Худуддаги миллий ҳунармандчилик уй-устахоналари ва турли кўнгилочар масканлар иштирокчилар учун ҳозирланди.

Фестивалнинг асосий тадбирлари учун мўлжалланган Худоберхон Урдаси майдонида сахна ва амфитеатр барпо этилди. Хорижлик ҳунармандлар, вилоятлар вакиллари ўзи санъат асарларини намойиш қилиши учун алоҳида жойлар ажратилди.

14 сентябрь, Қўқон шаҳри, Урда майдони, соат 18.30.

Фестивалнинг очилиш маросимида иштирок этиш учун дунёнинг қўллаб мамакатларидан давлат ва жамоат арбоблари, устозда ҳунармандлар, халқ амалий санъати усталари, мутахассислар, соҳа олимлари, фахрий меҳмонлар, дипломатик корпус вакиллари, кенг

жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари ташриф буюрган.

Меҳмонлар ва иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни олқишлар билан кутиб олади.



Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга берилди.

Давлатимиз раҳбари Халқаро ҳунармандчилик фестивали қатнашчилари ва меҳмонларини катнаюрқадан кутлаб, Ўзбекистонга, ушбу анжуманга бўлган катта ҳурмат ва эътибори учун хорижий меҳмонларга ташаккур изҳор этди. Умумбашарий маданиятнинг ажралмас қисми ҳисобланган халқ амалий санъати дунёдаги ҳар бир халқ ҳаётида, унинг турмуш тарзи ва қадриятлари ривожига алоҳида ўрин тутишини, инсониятнинг онгли ҳаётида ҳунармандчиликнинг пайдо бўлиши — бу цивилизация сари ташланган энг мўҳим тарихий қадам эканини таъкидлади.

Маросимда сўзга чиққан Жаҳон ҳунармандлар кенгаши президенти Роза Гринлис хоним Ўзбекистонда ҳунармандчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганини, Халқаро ҳунармандчилик фестивали бунинг ёркин ифодаси эканини қайд этди.

Шундан сўнг мусиқа садолари остида сахнага фестивалда қатнашаётган мамлакатлар байроқлари олиб чиқилди.

Майдон узра майин куй таралди. Халқаро мусиқа фестивалининг очилишига бағишланган театрлаштирилган концерт дастуридан ўрин олган мумтоз ашулалар, рақслар тадбирга ўзгача шуқуқ бағишлади.

Айтиш жоизки, фестиваль дастури кенг камровли бўлиб, унинг доирасидаги турли кўргазмалар,

халқ сайиллари, кўғирчоқозлик, дорбозлар ва фольклор жамоалари, вилоятлар маданият бошқармалари томонидан тайёрланган концертлар, ош танловлари, маҳорат дарслари, намойиш этилаётган тасвирий ва амалий санъат на-

қанд нонини бошқа жойларда пиширининг имкони йўқ экан. Аммо вилоят новвойлари Самарқанд тузроғи ва гилмоясидан ясалган тандирдан фойдаланиб, Қўқонда ўша машхур нонларни тайёрлашининг урдадасидан чиқибди.

Юртимиз таровати, ҳунармандларнинг маҳорати хорижликларни ҳайратга солмоқда. — Қўқон шаҳрида биринчи марта бўлишим, — дейди франциялик ҳунарманд Никол Гуиллиен. — Мамлакатингизда ҳунармандчилик анъаналари қадимдан ривожлангани ҳақида интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлар орқали хабардорман. Гўзал ва мафтункор кентда ташкил этилган мазкур халқаро фестиваль менга ажойиб имкониятлар эшигини очиб берди. Марғилон ва Қўқонда осориатқаларни кўздан кечирдим. Бой ҳунармандчилик намуналари, хусусан, Риштон кулолчилиги билан танишдим. Тўғриси, ҳайратим чексиз.

Ўзбекистонда маданият ва санъат ривожига давлат сийсати даражасида аҳамият қаратилаётгани эътирофга лойиқ. Халқаро ҳунармандчилик фестивалининг тантанали очилиш маросимида Президент Шавкат Мирзиёевнинг иштирок этгани унинг нуфузини янада оширди. Бу ҳам ҳунармандчиликка, ҳунармандларга бўлган юксак эътиборнинг яна бир ёркин ифодасидир.

Иштирокчиларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, ана шундай кўтаринки кайфиятда, ёркин таассуротда эканига ғувоҳ бўласиз. — Тантанали маросим борган сари авж пардасига чиқди. Жаҳон мусиқа ва қўшиқчилик санъатининг ноидр намуналари янгарди. Гўзал рақслар ижро этилади. Концерт дастуридан завқ олаётган томошабинлар ҳам қадрдон қўшиқларга жўр бўлиб, куй-наволарга мириқиб рақсга тушишди.

Усталаримизнинг барчанин кўз ўнгида миллий услубдаги айвон тиклагани ҳам дастурга эътигача ранг-баранглик касб этди. — Ҳунармандчилик — бебаҳо касб. Ҳар бир уста-ҳунарманд тайёрлаган маҳсулот қалб кўри билан яралди. Шунинг учун ҳам унинг қадр-қиммати баланд.

Фестиваль доирасидаги «Ҳунармандчилик ва халқ амалий санъатини ривожлантириш истиқболлари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда юртимиз санъатшунос тадқиқотчилари билан бирга, 30 дан зиёд давлатлардан таниқли олимлар, мутахассислар, санъатшунослар қатнашди.

Фестиваль иштирокчилари бекатроқ кулолчилик мактабига эга Риштон ҳамда камалакдек товланадиган атлас ва адраслар билан машхур Марғилонга саёҳат қилди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, давлатимиз раҳбари ҳорий йилнинг 6-7 май кунлари Фарғонага ташрифи чоғида вилоят туризми салоҳиятини янада ошириш, ҳунармандчилик, айниқса, бу соҳада аёллар бандлигини таъминлаш бўйича кўрсатма ва тақлифларини берган эди. Мазкур вазифарин асосида қисқа муддатда хотин-қизлар учун қўллаб янги иш ўринлари яратилди. Ҳозирги кунда умумий қиймати 31,2 миллиард сўмлик 731 қўшимча лойиҳанинг манзилли рўйхати шакллантирилган.

Вилоятда келажакда ҳунармандчилик маҳсулотлари экспорти ҳажмини 2,2 баробар ошириш, яъни 10 миллион долларга етказиш бўйича саъй-ҳаракатлар олиб бориляпти. Марғилон ва Қўқон шаҳарлари, Риштон ва Бувайда туманларида «Ҳунармандчиликни ривожлантириш марказлари»ни ишга тушириш, бу орқали вилоятнинг туризм салоҳиятини юксалтириш белгилаб олинган.

— Бугун вилоятимизда ҳунармандчиликнинг барча йўналиши бўйича турт мингдан ортқк устахоналар фаолият олиб бормоқда, — дейди «Ҳунарманд» уюшмасининг Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи Расулжон Мирзаҳмедов. — Улар орасида ўз мактабига эга сулоалар, турли халқаро ва мамлакатимиз миқёсида ўтказиладиган кўргазмалар, фестиваллар иштирокчилари, давлат муқофотлари соҳиблари бор. Қўқон шаҳрида ҳам миллий ҳунармандчиликнинг 30 га яқин тури кенг ривожланган. Бугун Хўқанди латиғида қарийб тўрт юз нафар ҳунармандлар ота-боболардан мерос касбни улуғлаб, унинг сир-асрорларини ёш авлодга ўргатиш, яъни анъаналар бардавомлигини таъминлаш пайидан бўлмоқда.

Осмон узра порлаган мушақлар дилларга қувонч бағишлади. Анжуман ўтказиладиган майдон атрофи байрамона безатилган. Қорақалпоғистон ва барча вилоятлардан, шунингдек, хорижий давлатлардан келган ҳунармандлар буюмлари кўргазмаси ташкил этилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев очилиш маросимидан сўнг ушбу маҳсулотларни кўздан кечирди, ҳунармандлар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, дунёда тинчлик ва ҳамжихатликни, гўзаллик ва нафосатни тарғиб этадиган бу фестиваль жаҳон майдонида, албатта, ўзининг муносиб ўрнини топади. Бинобарин, кенг камровда, нуфузли меҳмонлар иштирокида, юксак савияда ташкил этилган илк анжуман шундан яққол далолат бермоқда.

Элёрхон ЭХСОНОВ («Халқ сўзи»)

Хурсандбек АРАБЪОЕВ («Халқ сўзи») ва Аъло АБДУЛЛАЕВ (Ўза) олган суратлар.

Хурсандбек АРАБЪОЕВ («Халқ сўзи») ва Аъло АБДУЛЛАЕВ (Ўза) олган суратлар.

Хурсандбек АРАБЪОЕВ («Халқ сўзи») ва Аъло АБДУЛЛАЕВ (Ўза) олган суратлар.

Хурсандбек АРАБЪОЕВ («Халқ сўзи») ва Аъло АБДУЛЛАЕВ (Ўза) олган суратлар.

Хурсандбек АРАБЪОЕВ («Халқ сўзи») ва Аъло АБДУЛЛАЕВ (Ўза) олган суратлар.

Хурсандбек АРАБЪОЕВ («Халқ сўзи») ва Аъло АБДУЛЛАЕВ (Ўза) олган суратлар.

Хурсандбек АРАБЪОЕВ («Халқ сўзи») ва Аъло АБДУЛЛАЕВ (Ўза) олган суратлар.

Хурсандбек АРАБЪОЕВ («Халқ сўзи») ва Аъло АБДУЛЛАЕВ (Ўза) олган суратлар.

Хурсандбек АРАБЪОЕВ («Халқ сўзи») ва Аъло АБДУЛЛАЕВ (Ўза) олган суратлар.

Хурсандбек АРАБЪОЕВ («Халқ сўзи») ва Аъло АБДУЛЛАЕВ (Ўза) олган суратлар.

ИШТИРОКЧИЛАР ТААССУРОТИ

Қўқонда ўтказиладиган биринчи Халқаро ҳунармандчилик фестивали жаҳон ҳунармандларининг чинакам дўстлик ва ҳамжихатлик байрамига айланди. Фестивалда қўллаб давлатлардан меҳмонлар иштирок этмоқда. Турли соҳа вакиллари билан бир қаторда, хорижлик оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам қатнашаётди. «Халқ сўзи» ва Ўза мухбирлари фестивал меҳмонларининг таассуротлари билан қизиқди.

Сара Лопез Айнара (Испания): — Юртингизга биринчи бор келишим. Қўқон шаҳри чиройли, табиати, бинолари ўзига хос экан. Фестивалда намойиш этилаётган маҳсулотларни айтмайсизми? Менга миллий матолардан тикланган кийимлар, ёғоч ўймакор усталарнинг ижодий ишлари жуда ёқди. Ўзим ҳам заргарлик билан шуғулланаман. Япон биллури, қумуш ва турли тошлардан қўл меҳнати асосида тақинчолар ясайман. Уста ҳунарманд заргарларнинг ишлари мен лол қолдирди. Улардан андозалар олдим, заргарлик буюмларидан харид қилдим. Бу маҳсулотлар шахсий коллекциямининг тўридан жой олади.

Абд Мухаммин Бин Ҳасбилов (Малайзия): — Бизда ҳунармандлар кўпроқ пушти ва кўк ранглардан фойдаланади. Ўзбек ҳунармандларининг турли ранг ва усуллари ишлатишга ҳавасман келди. Ўзим ҳам ўймакорлик билан шуғулланаман. Ёғоч ўймакорлиги ўта синчковлик ва катта маҳорат талаб этишини яхши биламан. 1950 йилларда археологик қазих ишлари асосида Қўқон шаҳрининг Қорабулоқ масканидан ўймакор ёғоч устунининг чала куйган бўлақлари топилган экан. Мазкур қолдиқлар III-IV асрга оид экани аниқлангани ҳақида айтиб беришди. Халқингизда одоб-ахлоқ, катталарга ҳурмат, «Устоз — шогирд» анъаналари, меҳр-оқибат каби асрий маданият саклаб қолингандан хурсанд бўлдим. Очқк чехрали, шунмуомала, меҳмондўст бу инсонларга таъзим қиламан.

Суфиян Исмоил Кхатри (Ҳиндистон): — Мен матоларга гул босадиган сулоланин бешинчи авлодидим. Матоларга тахтадан тайёрланган босма қолипда майда гуллар чизамиз. Бунда табиий бўёқлардан фойдаланамиз. Ҳар йили дунёнинг унбий давлатига саёҳат қиламан, фестивал ва кўргазмаларда иштирок этаман. Аммо Ўзбекистондаги, Қўқондаги каби халқ амалий санъати гуллаб-яшнаган манзилни кўрмаганман.

Атлас ва адрас матолари ва ундаги нақшларни жуда ёқтираман. Рафиқам учун 14 метр атлас матоси харид қилдим, ўзи хоҳлагани каби либос тиктиради. Қизалоғимга эса совға учун адрас нимча олдим.

Ҳусан Алқаттан (Қувайт): — Фестивалда қатнашаётганимдан хурсандман. Жуда чиройли санъат асарларини кўрдим. Саргузаштарим ҳам кўп. Эрталаб байрам юриши ўтказилди. Йўл четларида бизни олқишлаб турган ёш қарининг бахтиёр чехраси ва шодон табассумидан кўнглим қувонгача тўлди. Халқнинг қувондан бу қадар тўлиб-тошганини анчадан буюн кўрмаган эдим.

Асли касбим инженер бўлса-да, қўғирчоқлар ясашга қизиқаман. Ўзбек қўғирчоқозлари ясаган бир неча хилдаги буюмларни қизларимга совғага олдим. Баъзиларини эса коллекциямга қўяман. Шунингдек, бешта фарзандимга атлас ва адрасдан тайёрланган нимчалар харид қилдим.

Фазлиддин Худобердиев, Самарқанд вилояти мусиқали драма театри директори ўринбосари: — Ижодий жамоамиз билан инсонни, ҳунарни улуғловчи куй-қўшиқларни фестивал учун тайёрлаб келдик. Бу анжуман юртдошларимизни ва бутун дунё халқларини дўстлик, қардошлик, инсонийлик, ҳамжихатлик, бирдамликка қорлайди.

Халқаро ҳунармандчилик фестивали шаҳарга ўзгача фусун бахш этибди. Ободонлаштириш ишларидан сўнг Қўқон янада чирой очибди. Юртимизда ҳунармандчилик ривожига қаратилаётган бундай эътиборни чет эллик меҳмонлар ҳам эътироф этишяпти. Бундан ҳаммамиз гурурланмоқдамиз.

Илхомжон Бобононов, «Ҳунарманд» уюшмаси Ҳоразм вилояти бошқармаси бошлиғи: — Фестивалга вилоятимизнинг 100 нафардан иборат делегацияси ташриф буюрди. Бизга ажратилган худудни Хивадаги тарихий обидалар шаклида барпо этдик. Рамзий қалъалар ичида мохир ҳунармандларимиз жойлашди. Худуд атрофи ва кичик сахналарда тарихий миноралар шаклидаги устулар ўрнатилди. Санъаткорларимиз байрам иштирокчиларини лапарлар ва рақсларимиз, албатта, «Ҳоразм лазгиси» билан хушнуд этишмоқда.

Жасур Маматов, заргар (Навоий вилояти): — Заргарлик ҳунарманддан алоҳида сабр-тоқат, кунт ва билим талаб қиладиган нозик соҳа ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг заргарлик тармоғини ривожлантириш борасидаги Фармони ижроси бўйича мамлакатимизда жиддий саъй-ҳаракатлар олиб бориляпти. Фестиваль доирасидаги мулоқотларда ҳамкасблар билан ўзаро тажриба алмашш имконига эга бўлмоқдамиз. Заргарлик буюмларимиз меҳмонларга ёқётгани бизни беҳад қувонтиряпти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМА ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2019 йил 14 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма иккинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Ялпи мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлиси Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис кун тартиби тасдиқланганидан сўнг сенаторлар кўриб чиқилаётган масалаларни муҳокама қилишга киришдилар.

Сенаторлар ишни "Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгаши туркий тили давлатлари ҳамкорлик Кенгаши аъзолари саналади. Ташкилот тарзи Туркий тили давлатлар раҳбарлари кенгаши, Ташқи ишлар вазирлиги кенгаши, Катта мансабдор шахслар кўмитаси, Оқсоқоллар кенгаши ва Котибиятдан ташкил топган. Котибият Истанбул шаҳрида

(Туркия Республикаси) жойлашган.

Ташкилот 2009 йил 3 октябрда Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимига мувофиқ ташкил этилган.

Сенаторлар кейинги пайтда Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо давлатлар, энг аввало, минтақадаги қўшни мамлакатлар билан сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик чуқурлашиб бораётганлигини қайд этдилар. Бу Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгаши доирасида Ўзбекистоннинг кўп томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш учун янги имкониятлар яратди.

Бундан ташқари, мамлакатимизнинг ташкилотга аъзо бўлиши товарлар, капиталлар, хизматлар ва технологияларнинг эркин ҳаракатланишини изчил рўйбга чиқариш, молия ва банк операцияларини соддалаштириш мақсадида савдо-сотиқ ва инвестициялар учун қулай

шарт-шароит яратишга, божхона ва транзит тартиб-таомилларини янада соддалаштиришга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, мархумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг Қўшма қарорини тасдиқлаш

ҳақидаги масалани кўриб чиқдилар. Сўзга чиққанлар бу масала бутун жамият учун муҳимлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Сўзга чиққанлар бу масала бутун жамият учун муҳимлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Сўзга чиққанлар бу масала бутун жамият учун муҳимлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

маърака ва маросимлар, мархумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказишда шухрат-парастлик, ўзини кўз-кўз қилиш, бошқаларнинг ижтимоий аҳолини инобатга олмаслик, исрофгарчилик, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини менсимаслик каби иллатлар кўзга ташланмоқда.

Бундай ҳолатларга барҳам бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида, шунингдек, фуқаролар йиғинларида оилавий тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш масалалари бўйича комиссиялар тузилди, кўплаб тушунтириш ва тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Бироқ ўрганишлар таҳлили, шунингдек, аҳоли билан бевосита ўтказилган мулоқотлар, жамоатчилик вакилларидан келиб тушган мурожаатлар ушбу соҳада бир қатор жиддий муаммо ва камчиликлар ҳамон сақланиб қолаётганлигини кўрсатди. Хусусан, айрим фуқаролар дабдабали тўй маросимларига катта маблағ сарфла-

ниши тўғрисида қарзга ботмоқда ва қарзни узиш мақсадида чет элга ишлаш учун чиқиб кетмоқда.

Бундан ташқари, "Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиришлар киритилди. Мазкур ҳужжат парламент оқори палатасининг йигирма биринчи ялпи мажлисида маъқулланган эди.

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг 12 та қонун ҳамда битта кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида"ги Қонунга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман ва шаҳар судьяларининг судьяларини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш масалаларини Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президенти билан дастлабки тарзда келишувсиз мустақил кўриб чиқишини назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Судьяларнинг чинакам мустақиллиги, судьялик корпусини шакллантириш ва номзоднинг шахси тўғрисида ишончли маълумотлар тўплаш масаласида очиқ-ошкораликни таъминлашнинг қўшимча механизмлари жорий этилган. Жумладан:

судьялар ва ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширувчи Кенгаш аъзоларига нисбатан хизмат текширувлари ўтказиш;

ўз фаолиятини доимий асосда олиб боровчи Кенгаш аъзоларини интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, қолаверса, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролардан Кенгаш фаолияти билан боғлиқ зарур ахборот, ҳужжатлар ва бошқа материалларни сўраб олиш.

Бундан ташқари, "Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида"ги Қонунга қўйилган Унга қўра, захирга киритилган судьялик лавозимига номзод Судьялар олий мактабидан ўқини муваффақиятли тамомлаганидан кейин бўш судьялик лавозимларини тўлдирish учун танловда иштирок этиш

дан озод этилади, бироқ ўқини бундан олдин (лавозим) сақланади. Шунингдек, идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имкон қадар камайтириш мақсадида "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш киритилди. Унга асосан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўтказилиши режалаштирилган таъдбирлар ва ҳақида хабардор қилиш тартиби Адлия вазирлиги томонидан, чет

давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топширигига буюн бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишиб олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси томонидан белгиланади.

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши Судьялар олий кенгаши фаолиятида шаффофлик ва очиқликни таъминлаш, унинг асосий вазифалари ўз вақтида бажарилиши, судьялик лавозимига номзодларни саралаш тизимини такомиллаштириш, судья бўлишга хошими бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қолаверса, қонун ҳужжатларида мавжуд бўлган қарама-қаршилик ва бўлиқларни бартараф этишга ёрдам беради.

Ботир МАТМУРАТОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.

Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилиши билан боғлиқ тадбирлар тартибга солинади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси Кенгашларининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис палаталари Кенгаши аъзолари, депутатлар, сенаторлар, вазирлик ва идоралар мутасадди раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисда дастлаб тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, мархумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда бундай тадбирларни ўтказишда исрофгарчилик, манманлик, шухратпарастлик каби иллатлар кўзга ташланмоқда. Бу муаммо жамиятимиз-

нинг энг оғирлиги нуктасига айланиб, жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган. Тўғри, уларга барҳам бериш мақсадида аниқ чора-тадбирлар белгиланди, кўплаб тушунтириш ва тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Бироқ олиб борилган ўрганишлар бу борада жиддий муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Жумладан, аксарият аҳоли, айниқса, хотин-қизлар онгида оила-

вий тадбирларда қиз томоннинг сарф-харажатлари қанчалик юқори бўлса, қайнона-келин муносабатлари шунчалик яхши бўлади, деган нотўғри тасаввур тобора мустаҳкамланиб бораётгани таъсирчан.

Оилавий тадбирларда концерт-томоша хизматларини кўрсатиш давомида миллий менталитетимиз, қадриятларимиз ва урф-одатларимизга мос келмайдиган, "оммавий маданият" иллатларини тарғиб этадиган ҳамда ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган хатти-ҳаракатлар намойиш этилмоқда.

Иштирокчилар бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қатъий чоралар кўриш

лозимлигини қайд этди. Уларнинг фикрича, жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш, аҳоли, айниқса, ёшларда тежамкорлик маданиятини шакллантириш мақсадида оилавий тадбирларни қатъий тартибга солишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, мархумларнинг хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказиш тартиби тўғрисида Низоом тасдиқланди, унинг талабларига риоя қилиш юзасидан назорат олиб бориш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари зиммасига юклатилди.

ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИ КЕНГАШЛАРИНИНГ ҚЎШМА ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН ТЎЙ-ҲАШАМЛАР, ОИЛАВИЙ ТАНТАНАЛАР, МАЪРАКА ВА МАРОСИМЛАР, МАРХУМЛАРНИНГ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ 2020 ЙИЛНИНГ 1 ЯНВАРИДАН КУЧГА КИРАДИ.

Унда қуйидаги муҳим жиҳатлар акс этган:

- Оилавий тадбирлар фақат бир кун соат 06:00 ва 23:00 оралиғида ўтказилади. Дафн этиш маросими бундан мустасно.
- Соат 23:00 дан кейин оилавий тадбирларни давом эттиришга йўл қўйилмайди.
- Оилавий тадбирларда 200 нафаргача, мазкур тадбирлар муносабати билан ош бериш маросимида 250 нафаргача киши қатнашади.
- Кўшалок тўй-ҳашамларда 250 нафаргача, у билан боғлиқ ош бериш маросимида 300 нафаргача киши қатнашиши мумкин.
- Тўй-ҳашамларни ўтказувчи шахслар тадбирларни ўтказишдан олдинги бир hafta олдин яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини хабардор қилиши шарт.
- Нихонхи давлат рўйхатидан ўтказиш, келин-куёвнинг тўйхонага келиши ва кетиши билан боғлиқ оилавий тадбирларда 3 тадан кўнбулган енгил автомашинадан ёки жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи бошқа транспорт воситаларидан фойдаланишга руҳсат этилмайди.
- Миллий анъаналарга ёт, одоб-ахлоқ қоидаларига зид бўлган турли шоулари, ортикча вақт ва ҳаражат талаб қиладиган оилавий тадбирлардан олдинги, тадбир давомидаги ва ундан кейинги қўшимча расм-русумларни ("келин навқари", "чорлар", "ота кўрди", "сеп ёйди", "қуда қақирди", "куёв қақирди", "келин қақирди", "тоғора юбориш" ва ҳоказоларни) ўтказишга йўл қўйилмайди.
- Дафн этиш ва мотам маросимлари билан боғлиқ ортикча тадбирларни ("етти", "пайшанбалик", "акшанбалик", "йигирма", "қирк", "хайит", "йил оши", "пул тарқатиш", "мато улашиш" ва ҳоказоларни) ўтказишга руҳсат берилмайди.
- Тўйхона, кафе ва ресторанларда 50 нафар ва ундан ортикча шахслар иштирокида оилавий тадбирлар ўтказиш учун тадбир ўтказувчи шахс ҳамда тўйхона, кафе ва ресторан раҳбари ўртасида шартнома тузилади.
- Оилавий тадбирларда санъаткорлар (хонанда, созанда, раққоса, бошловчи, сўз устаси, фотограф ва бошқалар) қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома асосида хизмат кўрсатади.
- Оилавий тадбирларда икки нафардан ортикча хонанданинг (гурухнинг) хизмат кўрсатишига йўл қўйилмайди.

Олий Мажлис ҳузурда Ахборот соҳасини ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича жамоатчилик кенгаши тузилди

Мамлакатимизда сўз ва ахборот эркинлигини, давлат органлари фаолиятининг очиқ-ошкоралигини таъминлаш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ўтган даврда ахборот соҳасини ва оммавий коммуникацияларни бошқариш тизими тубдан қайта шакллантирилди, мамлакатни модернизациялашда журналистлар ролини ошириш, фуқароларнинг сўз эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларини кафолатлаш, шунингдек, жамият ва давлатнинг барча соҳасига ахборот-коммуникация ҳамда рақамли технологияларни тизимли жорий этиш бўйича комплекс чоралар кўрилди.

Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг мажлисида шу хусусда ҳам атофлича сўз юритилиб, ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантириш масаласи муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг виртуал макондаги фаолиятини таъминлашга, шунингдек, глобал ахборот муҳитига оид замонавий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий қўллаш амалиётини либераллаштириш ҳамда демократлаштиришга ётарлича эътибор берилмапти.

Ахборот соҳасига оид долзарб масалалар юзасидан жамоатчилик фикрини шакллантиришда жамоат ташкилотлари аҳамиятини ошириш, давлат органлари ва оммавий коммуникациялар субъектлари ўртасида мулоқотни йўлга қўйиш, қолаверса, ахборот соҳасини янада эркинлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурда Ахборот соҳасини ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича жамоатчилик кенгаши тузиш аниқ мудоаа.

Ҳўш, ушбу янги тузилманинг асосий вазифалари нималардан иборат бўлади?

Таъкидлаб ўтилганидек, унинг вазифалари очиқ ахборот маконини яратишга қаратилган савб-ҳаракатларни бирлаштирадиган замонавий, демократик ва шаффоф майдон сифатида давлат ва оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг самарали мулоқотини таъминлашдан иборат бўлиши лозим. Қолаверса, аҳолининг ахборот маданиятини оширишга қаратилган тадбирлар ўтказиш ҳам Жамоатчилик кенгаши фаолияти мақсадларидан бири бўлиши керак. Шунингдек, янги тузилма халқаро рейтингларда Ўзбекистон Республикаси эгаллаган ўрнини изчил яхшилаш ва мамлакатимизнинг оммавий ахборот воситалари эркинлиги индекслари юқори даражада бўлган илғор мамлакатлар қаторига киришини таъминлаш дастурлари бўйича тақдирлар ҳам тайёрлайди.

Жамоатчилик кенгашига юклатилган вазифаларни бажариш, унинг фаолиятини самарали ташкил этишда нодавлат нотижорат ташкилоти шаклида Ахборот соҳасини ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича марказ ташкил этилиши тақдирини маъқуллади ҳамда у Жамоатчилик кенгашининг ишчи органи сифатида белгиланди. Шунингдек, қўшма мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Котибияти фаолиятини янада такомиллаштириш масаласи ҳам муфассал кўриб чиқилди.

Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси Кенгашларининг қўшма мажлисида кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қўшма қарорлар қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА (Халқ сўзи).

16 сентябрь — Халқаро озон қатламини муҳофаза қилиш куни

Сўнгги йилларда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон шу пайтгача ушбу йўналишдаги 13 та халқаро конвенция ва битимлар ҳамда улар доирасидаги 7 та кўп томонлама халқаро шартномага қўшилган, ижросини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратаётгани фикримиз тасдиғидир.

порт/экспорт қилишни мувофиқлаштириш тизими жорий этилди.

Шунингдек, озон қатламини емирувчи моддаларни муомаладан босқичма-босқич чиқариш мақсадида саноат корхоналарини



ОНА ЗАМИН ҚАЛҚОНИ

Атмосферанинг озон қатлами ҳаёт мавжудлигининг энг муҳим шартларидан бири саналади. Аммо 1985 йилда ўтказилган тадқиқот натижалари озон пардаси сийрақлашиб, тўйқун пайдо бўлганини кўрсатган эди. Бу дунё экологларида жиддий ташвиш уйғотди. Мазкур экологик муаммони ҳал этиш мақсадида ўша йили 147 мамлакат иштирокчида Озон қатламини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси қабул қилинди. 1987 йил 16 сентябрда эса Озон қатламини бузувчи моддалар-

га доир Монреаль протоколи имзоланди. Ушандан буён мазкур сана Халқаро озон қатламини муҳофаза қилиш куни сифатида нишонлаб келинади.

1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Вена конвенцияси ва Монреаль протокоliga қўшилиб, ушбу ҳужжатлар талабларини ижро этиш юзасидан зарур мажбуриятларни олди. Шу асосда Миллий дастур қабул қилинди.

Жумладан, ҳукуматимизнинг 2018 йил 9 январдаги "Озонни бузувчи моддалар ва таркибиде улар бўлган маҳсулотларнинг Ўзбекистон Республикасига импорти тартибга солишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида аниқ ҳаракат ва чоралар белгилаб олindi. Яъни озонни емирувчи моддалар ҳамда таркибиде улар мавжуд маҳсулотларни им-

хавфсиз маҳсулотларга ўтказишни қўллаб-қувватлаш, таркибиде озон қатламини емирувчи моддалар мавжуд бўлган маҳсулотларни утилизация қилиш тизимини ишлаб чиқиш бўйича чоралар кўрилмақда. Бундан ташқари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзолари ташаббуси би-

лан ишлаб чиқилган ва жорий йил 13 март куни давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун билан мазкур йўналишдаги меъёрлар янада такомиллаштирилганини дикта қазовор.

Табиат ва инсоният тақдирини бир-бирига ўзаро

Ҳайрилло ГАППОРОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ РАВНАҚИ УЧУН МУҲИМ МАЙДОН

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида Ўзбекистон тўқимачилик ва тикув саноати ютуқлари — “UzTextile Expo — 2019” халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

Унда Германия, Хитой, Латвия, Беларусь, Россия, Словакия, Тожикистон, Туркия, Украина каби давлатларнинг 160 га яқин етакчи ишлаб чиқарувчилари, соҳа мутахассислари, олимлар қатнашди.



Халқаро кўргазма

Қайд этиш керакки, илгари дунё миқёсида Ўзбекистон фақат пахта толаси етиштирувчи мамлакат сифатида ном қозongan. Хом ашёни қайта ишлаш, тармоқда янги корхоналарни ташкил этиш ҳақида, ҳатто, тасаввур этиш ҳам қийин эди. Бироқ бугун ҳолат тамомилан ўзгарган. Ўзбек ишбилармонлари томонидан ишлаб чиқарилаётган ярим-тайёр ва тайёр маҳсулотлар жaxon бозорига жадал кириб бормоқда. Албатта, бунинг замирида кейинги йилларда жаҳонга машҳур компаниялар билан ҳамкорликда пахта толасини чқур қайта ишлашга ихтисос-

лаштирилган кўлаб қўша ва хоржий корхоналар фаолияти йўлга қўйилаётгани, пахтачиликда мутлақо янги тизим — кластерлар ташкил этилаётгани мужасамдир. Шу боис бугунги кунда кластер қишлоқ хўжалигининг, хусусан, пахтачиликнинг истиқболли йўналиши сифатида эътироф этилмоқда. Халқаро кўргазмада ўз салоҳиятини намойиш этганларнинг 60 фоизи маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бўлса, уларнинг аксарияти кластерлар вакиллари эканлиги фикримиз тасдиқидир. — Фаолиятимизни 10 минг гектар ерда ташкил этиб, 172 та фермер хўжалигини

бирлаштирганмиз, — дейди “Khorezmtext” пахта-тўқимачилик кластер компанияси директори Сарвар Нурметов. — Ҳўза парварлишида барча агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказдик. Ҳар гектардан 35 — 40 центнердан пахта тери олишни кўзлаб турибмиз. Биласиз, кластер фақат пахта етиштириш билан шуғулланмайди. Шу боис бу йил 22,6 миллион АҚШ долларлик лойиҳани рўёбга чиқариб, калава илп тайёрлаш ҳажмини 12 минг тоннага етказдик. Бу барча пахта ҳосили ўзимизда қайта ишланади, деганидир. Бун-

дан ташқари, 2021 йилда 15 миллион долларлик лойиҳа асосида газлама ишлаб чиқарувчи йирик корхона ташкил этилиши режалаштирилган. Шунда ҳамкорларимиз — Россия, Хитой, Польша каби давлатларга фақат калава илп эмас, бошқа тўқимачилик маҳсулотлари ҳам сотишни йўлга қўямиз. “Global Textile Days Tashkent — 2019” тадбирлари доирасида ташкил этилган халқаро кўргазма ана шундай турли-туман маҳсулот ва хизматларни тақдим этиш баробарида, ўзаро мулоқот қилиш, ҳамкорликни кенгайтириш учун

ҳам қулай майдон бўлди. Хусусан, пахтани тадқиқ этиш бўйича йиғилиш, халқаро тўқимачилик анжумани, тўқимачилик машинасозлиги кўргазмаси, модalar намойиши ташкил этилгани қатнашчиларга шундай имконият тақдим қилди. Халқаро кўргазма Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, “Ўзтўқимачилик саноат” уюшмаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда “Itesa Exhibitions” компанияси томонидан ташкил қилинди. Дилшоҳ УЛУҒМУРОДОВ («Халқ сўзи»). Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Кулайлик

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан табиий газ, электр энергияси, ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналари (ҳисоблагичлар)ни ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатишнинг янги тартиби тасдиқланди. Ҳўш, нималар ўзгарди?

КОММУНАЛ ҲИСОБЛАГИЧЛАРНИНГ ҚИЁСЛОВ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

Эндиликда фуқароларга ушбу ҳисоблагичларни қиёсловдан ўтказиш бўйича хизмат икки хил усулда кўрсатилади. Хусусан, республикамиз туманларида жойлашган давлат хизматлари марказларига мурожаат этган ҳолда ёки йўлга ортиқча вақт ва пул сарфламасдан ту.gov.uz орқали амалга ошириш мумкин. Ҳисоблагичларни қиёсловдан ўтказиш “Ўзстандарт” агентлиги томонидан бажарилади.

Аваллари коммунал ҳисоблагичларни қиёсловдан ўтказишда турли хил бюрократик тартиблар мавжуд эди. Яъни аввалдан бор, ҳисоблагични ечиб олиш учун электр таъминоти корхонасига ариза топшириш, сўнгра давлат текширувни ўтказиш учун ушбу қурилмани “Ўзстандарт” агентлигига олиб бориш талаб этилар, у ерда аризадан турли микдордаги маблағ йиғиб олинар эди. Бундан ташқари, текшириш нарҳини белгилашда шаффофлик ва ошқоралик мавжуд эмасди.

Янги тартибга кўра, жисмоний шахслар, яъни оддий фуқаролар учун бундай хизматлар мутлақо бепул кўрсатилади. Юридик шахслар базавий ҳисоблаш микдорининг 1,5 баравари микдоридан йиғим тўлашлари керак. Бугунги кунда бу 334 500 сўмни ташкил этади. Нотуражойларда фаолият юритувчи яқна тартибдаги тадбиркорлар учун асосий ҳисобланган сумманинг 20 фоизи микдоридан, яъни 44 600 сўм йиғим ундирилади. Шундан кейин барча жараён ваколатли органларнинг масъул ходимлари томонидан ортиқча овозагарчиликсиз амалга оширилади.

Янги тартиб билан бир қаторда, ушбу хизматларни тақдим этувчи органлар мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ус-тидан назорат ўрнатилди. Бу хизматларни кўрсатиш муддатларни бузиш, ариза берувчилардан қўшимча маблағларни асосиз талаб қилиш каби муаммоларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Шунингдек, жисмоний шахслар ускуналарни ҳар 8 йилда бир марта, юридик шахслар эса ҳар 4 йилда бир марта қиёсловдан ўтказишлари лозим. Авваллари бу 4 йил ва 2 йил эди.

Эндиликда электр таъминоти корхонаси текшириш муддати туғашидан 30 кун аввал сизни ёзма равишда хабардор қилади. Агар сиз ўлчаш мосламасини ўзингиз текширмоқчи бўлсангиз, давлат хизматлари марказларидан бирига ёки ту.gov.uz портали орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Айтиб ўтиш жоизки, Ҳукуматнинг тегишли қарорига биноан электр энергиясини истеъмол қилиш ҳисоблагичлари даврий



давлат текширувнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини ташкиллаштириш учун жавобгарлик электр таъминоти корхонаси зиммасига юклатилган. Ўз навбатида, электр таъминоти билан шуғулланувчи компания муддати ўтган текшириш даври билан уни ўлчаш вақтида ишлатилган электр энергиясини қайта ҳисоблаб чиқишга ҳақли эмас.

Адила КЕШФЕТДИНОВА, Давлат хизматлари агентлиги бош масlahатчиси.

Ҳамкорлик

Инновацион ўқув маркази

«Ақлли қишлоқ хўжалиги» учун мутахассислар тайёрловчи маскан

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида АҚШнинг «John Deere» компанияси томонидан ташкил этилган инновацион ўқув марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.



Қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш бўйича дунёга машҳур мажмуа компания Ўзбекистон иқтисодиётининг аграр секторини инновацион ривожлантириш ва ушбу соҳа учун кадрлар тайёрлашга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Мамлакатимизда айна вақтда “John Deere” русумли 700 та трактор ҳамда галла ва пахтани йиғиб-териб олувчи комбайндан фойдаланилаётгани бунинг тасдиғидир. Уларнинг сони тобора ошиб борапти. Демак, бундай “ақлли” машиналарни бошқариш ва таъмирлашга қодир мутахассислар ҳам керак. Юқори самардорлиги ва ишончилиги билан ажралиб турувчи қишлоқ хўжалиги техникаларига “John Deere” компаниясининг расмий дилери бўлмиш “Landtech” ХК МЧЖ хизмат кўрсатмоқда. Сифатли сервис хизмати ушбу корхона мутахас-

сисларининг устувор вазифаси бўлиб, улар техника воситаларини диагностика қилиш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича деҳқонларга малакали ёрдам беришга тайёр. Дилерлик компаниясининг муҳандис-механиклари ҳар ойда махсус ишлаб чиқилган дастур асосида ўқитилади. Улар мавжуд техниканинг алоҳида жиҳатларини батафсил ўрганиб, “John Deere” компанияси ишлаб чиқарган механизмнинг янги турлари билан ҳам танишадилар. Булардан ташқари, “Landtech” Ўзбекистондаги бир неча олий таълим муассасалари билан кадрлар тайёрлаш борасида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Президентимизнинг 2019 йил 31 июлдаги «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томо-

нидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорига биноан, “Landtech” ХК МЧЖ Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида тақдимот ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Тадбир доирасида тегишли ағлашув меморандуми имзоланди.

— Ушбу ҳужжатда мутахассисларни ўқитиш, стажировкасини ташкил этиш, миллий ва халқаро тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш, масофавий таълим ҳамда видеоконференциялар ўтказишга мўлжалланган ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, малакали мутахассис, ўқитувчи ва талабаларни ҳамкорликдаги дастурларга жалб қилиш, рағбатлантириш каби масалалар акси этган, — дейди ТИҚХММИ ректори Уктам Умурзоқов. — Ҳозирнинг ўзидаёқ ўн нафар энг илғор талабага “Landtech”нинг рағбатлантирувчи совғалари топширилди.

Илм-фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида жиҳозланган инновацион ўқув маркази ишга туширилиши эса муҳим воқеа бўлди. Кенг ва ёруғ ўқув хоналарида билми олиш, кўникмаларни шакллантириш, “John Deere” компаниясининг фаолияти, тарихи, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари билан танишиш учун барча шароит яратилган. Масалан, бу ерда ўрнатилган энг сўнгги русумдаги видеопроекторли смарт-доска талаба ва муаллимлар учун катта қулайлик яратади. Унинг функциялари чексиз. Аслида, уни улкан интер-фаол экран, деса ҳам бўлади.

Ўқув марказида, шунингдек, алоҳида стенд мавжуд бўлиб, унда “John Deere” русумли қишлоқ хўжалиги техникаларининг митти нусхалари намойиш этилади. Электрон кутубхона ҳам талабалар ихтиёрида. Аудитория девори яшил майса билан қоплангани очилиш маросими қатнашчиларида, айниқса, катта қизиқиш уйғотди. Бир қарашда сунъий қопламасмики, деб ўйлайсиз. Аслида эса, бу ҳақиқий ўсимликдан ҳосил қилинган вертикал газон. Ушбу ажойиб майсазорни ТИҚХММИ олимлари ва “John Deere” компанияси мутахассислари ҳамкорликда кашф қилишган бўлиб, уни сургоришга зарурат йўқ.

Америка компанияси томонидан бунёд этилган яна бир объект трактор ва комбайнларнинг куч агрегатлари тузиллишини ўрганишга мўлжалланган синфдир. Бу ерда двигател макети ўрнатилган. Унинг ёрдамида талабалар нафақат маърузани тинглаши, балки агрегатнинг тузилиши, қисмлари, ишлаш принципларини тушуниб олиши керак. ТИҚХММИдаги инновацион ўқув марказининг очилиш маросимида “John Deere” компанияси, “Landtech” ХК МЧЖ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ вакиллари иштирок этди.

— Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг илғор усуллари-ни ҳамда сув тежовчи технологияларини жорий этиш, фермер хўжаликларини соҳадаги етакчи корхоналар ишлаб чиқарган техникалар билан таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди “Ciseg Group” раҳбари Жейсон Хант. — Қишлоқ хўжалигида замонавий трактор ва комбайнлар, осма жи-



хозлардан фойдаланиш деҳқонлар меҳнатини анча енгилаштирилади, ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириб, етиштирилган ҳосилни териб олиш муддатларини қисқартиради. Биз ана шундай инновацион ривожланиш жараёнига ҳисса қўшиб мақсадида энг замонавий техникаларни етказиб бериш, тарихи хизмат турларини сифатли кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Бунда энг сўнгги русумдаги диагностика воситалари ва махсус асбоблар билан жиҳозланган устаконаларимиз кўл келади. Шунингдек, юқори малакали мутахассислар тайёрлашга ҳам ҳисса қўшамиз.

“Ақлли қишлоқ хўжалиги” концепцияси доирасида соҳага рақамли технологияларни жорий этиш, жумладан, экин майдонларини кўп спектрли диапазонда хариталаш жараёнида йўлдош ёрдамида олинган суратдан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмапти. Аниқ деҳқончилик тизимида инновацион ёндашув ихтироси бўлган “John Deere” компанияси ўзининг барча техникасида “AMS System” усулини

татбиқ этиб келяпти. Бунда йўлдош орқали узатиш усули билан тегишли майдоннинг чегаралари белгиланади, шунингдек, узлуksиз онлайн-мониторинг олиб борилади. Яъни машиналарнинг геолокацияси (жойлашуви), визуализацияси ва кўрсаткичлар таҳлили аниқланади. Умуман олганда, “AMS System” қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, сарф-харажатларни камайтириш ва техникани бошқаришни соддалаштиришга мўлжалланган.

Ўзбекистонлик фермерлар “John Deere” русумли комбайнлар қанчалик ишончли ва самардор эканини яқши билишади. Гап шундаки, ўтган йили ушбу машиналарни ишлатган бир қатор фермер хўжаликларидан пахта узлуksиз равишда териб олиниб, мавсум деярли бир ҳафта олдин якунланди. — Биз “John Deere” компанияси ишлаб чиқарган техникани, аниқроғи, тўртта тракторни биринчилардан бўлиб харид қилгандик, — дейди

“Агроев уруғчилик” МЧЖ бош муҳандиси Тимур Холмухамедов. — Танловда адашмаган эканмиз. Техника ишончли ва жуда самарадор экан. Ҳозир бундай техникаларимиз сони 30 тадан ортди. Айниқса, ишлаб чиқарувчи унга техник хизмат кўрсатиш масаласини ҳам ўйлаб қўйганлигидан хурсандмиз. Бу ишни тажрибали мутахассислар бажаришмоқда. Шунингдек, кадрлар тайёрлаш ҳам ёрдам кўрсатишяпти. Дарҳақиқат, хоржий компания ва Ўзбекистондаги аграр соҳа учун мутахассислар тайёрловчи олий таълим муассасалари ўртасида узвий ҳамкорлик ўрнатилган. “Landtech” ХК МЧЖ тижорат директори Ботир Исроилов таъкидлаганидек, “John Deere” компанияси ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ниятида.

Санжар ТОШМАТОВ тайёрлади.

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 50 843 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган кўлабмақал тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг маълумоти берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буоқ Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 01.20 Топширилди — 03.20 1 2 3 4 5 6